



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№2

2026



SERVIS

ILMIY-AMALIY JURNAL 2026 -yil, 2-soni

Muassis: Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2008-yil 31-dekabrda
0561-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
O‘zR OAK Riyosatining 19.03.2017 y., 239/5-sonli qarori bilan e’tirof etilgan

Tahririyat a’zolari:

Mas’ul kotib:

i.f.d., prof. M.Q.Pardayev

Muharrirlar:

i.f.d., dotsent F.A.Safarov
PhD, dotsent I.M.Pardayeva
PhD, I.Sh.Ernazarova

Texnik muharrir:

katta o‘qituvchi F.O.O‘roqov

Korrektor:

PhD, dotsent v.b.
T.I.Yahyoyev

Sahifalovchi:

PhD, dotsent v.b.
H.N.Ochilova

1 yilda 4 marotaba
chop etiladi.

**O‘zbekiston hududida
tarqatiladi.**

Tahririyat manzili:

140100, Samarqand shahar,
Amir Temur ko‘chasi, 9-uy,

tel.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

faks: +998(366)231-12-53
el.pochta:

samisiservis@mail.ru

Tahrir hay’ati raisi:

M.E.Po‘latov – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti rektori,
i.f.d., professor

Tahrir hay’ati raisi o‘rinbosari:

O.M.Pardayev – SamISI prorektori, iqtisod fanlari doktori,
professor

Tahrir hay’ati a’zolari:

M.M.Muxammedov – SamISI professori, iqtisod fanlari
doktori

D.R.Zaynalov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Murtazayev – TDIUSF direktori, iqtisod fanlari doktori,
professor

M.R.Boltabayev – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

R.X.Ergashev – QarMII professori, iqtisod fanlari doktori

B.K.G‘oibnazarov – iqtisod fanlari doktori, professor

I.S.To‘xliyev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

K.B.Urazov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

D.H.Aslanova – iqtisod fanlari nomzodi, professor

Q.J.Mirzayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

B.I.Isroilov – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

G.M.Shodiyeva – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

S.N.Toshnazarov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

R.N.Normaxmatov – SamISI professori, texnika fanlari doktori

A.Bektemirov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

M.T.Alimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Z.Dj.Adilova – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

Sh.O.Quvondiqov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

L.N.Xalikova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

F.A.Safarov – SamISI dotsenti, iqtisod fanlari doktori

A.M.Karimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

I.B.Mattiyev – SamISI professori, pedagogika fanlari doktori

B.F.Boronov – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

A.N.Xoliqulov – SamISI professori, iqtisod fanlari nomzodi

X.A.Raximov – SamISI dotsenti, PhD

S.A.Babanazarova – SamISI dotsenti, PhD

H.N.Ochilova – SamISI dotsenti v.b., PhD

I.R.Berdikulova – SamISI dotsenti v.b., PhD

A.Q.G‘apparov – SamISI dotsenti v.b., PhD

MUNDARIJA:

NAZARIYA VA METODOLOGIYA	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева Янги Ўзбекистоннинг бойлиги бўлган инсон капиталининг ривожланишида оиланинг ўрни	5
Мурод Мухаммедович Мухаммедов Макроиктисодий барқарорликни таъминлашда иш ҳақи ва нархлар мувозанатининг аҳамияти	9
Dr. Okszana KISZIL Between the two worlds: migrant children and adaptation strategies	12
Зарина Муродовна Мухаммедова Ўзбекистонда облигациялар бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари ва стратегик йўналишлари	17
SANOAT VA QISHLOQ XO‘JALIGI	
Junaydillo Sadiyevich Fayziyev Qishloq xo‘jaligida yetishtiriladigan sigir sutining sifat ko‘rsatkichlari	20
Джунайдилло Садиевич Файзиев, Азизахон Мамасидикова Положительные и отрицательные аспекты использования пальмового масла в пищевой промышленности	23
TADBIRKORLIK, MEHNAT, BANDLIK VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH	
Lola Nazarovna Xalikova, Shamsiddin Kiyamiddinovich Yuldashev, Muxammadjon Mansur o‘g‘li Xojiyev O‘zbekistonda iqlim o‘zgarishining mehnat unumdorligiga ta’siri	28
Anvar Nematovich Xoliqulov Innovatsion iqtisodiyot sharoitida mehnatning xarakteri va manfaatlar mushtarakligi	33
XIZMAT KO‘RSATISH VA SERVIS	
Абдумалик Бектемиров, Дилшод Фархадович Насиров Оценка эффективности инновационно-инвестиционной стратегии предприятий сферы услуг Республики Узбекистан	36
Рузбой Нормухаматов, Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов, Шерзод Мирзаали ўғли Музаффаров Соғломлаштириш хизматларида B2 витамини (рибофлавин)нинг ўрни, очилиш тарихи, аҳамияти, манбалари, етишмаслигининг олдини олиш йўллари	43
Обид Мамаюнусович Пардаев Иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатишда энергия ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари	46
Феруз Нематуллаевич Абилов Агросервис хизматларини ривожлантириш асосида аҳолини камбағалликдан чиқариш механизмини такомиллаштириш	50
Zebo Eshmaxmatovna Normurodova Maishiy xizmatlar samaradorligini oshirishda sinergetik, messijerlik va geffen samaralarining o‘rni (Qashqadaryo viloyati misolida)	55
Nargiz Toxirovna Sattarova, Sultonbek Azizovich Baxromov O‘zbekistonda servis iqtisodiyoti: xizmat ko‘rsatish sifatini boshqarishning zamonaviy usullari va tendensiyalari	59

Обид Мамаюновович Пардаев – ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самардорлиги миллий агентлиги директорининг 1-ўринбосари, PhD

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мазкур илмий мақолада иссиқлик таъминоти хизматларини ташкил этиш жараёнида энергия ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланишнинг назарий асослари, амалий механизмлари ҳамда инновацион ёндашувлари таҳлил қилинган. Шунингдек, соҳадаги мавжуд муаммолар, уларнинг сабаблари ва бартараф этиш йўллари комплекс тарзда ёритилган. Мақола якунида соҳани ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: иссиқлик таъминоти, энергия самардорлиги, энергия тежамкорлик, коммунал хизматлар, инновация, рақамлаштириш, инновацион технологиялар, ресурсларни бошқариш, энергия аудити.

Кирриш. Глобал иқтисодиётда энергия ресурсларига бўлган талабнинг ошиб бориши, уларнинг чекланганлиги ва экологик муаммоларнинг кучайиши шароитида энергиядан оқилона фойдаланиш долзарб масалага айланди. Айниқса, коммунал хизматлар соҳасида, хусусан иссиқлик таъминоти тизимида энергия сарфи юқори даражада бўлиб, бу соҳада самардорликни ошириш муҳим стратегик вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тежаш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, иссиқлик таъминоти тизимида энергия сарфи юқори бўлгани сабабли ушбу соҳада самардорликни ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини барқарор иссиқлик билан таъминлашда энергия ресурсларидан тежамкор фойдаланиш иқтисодий ва экологик жиҳатдан муҳимдир.

Ўзбекистон шароитида аҳолини марказлашган иссиқлик таъминоти билан таъминлаш тизимида қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, инфратузилманинг эскирганлиги, энергия йўқотишларининг юқори даражада эканлиги ва бошқарув тизимларининг самарасизлиги ушбу соҳада ислохотларни талаб этади. Бу ҳолатни инобатга олиб, мамлакатимизда охириги йилларда иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатишда энергия ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Мазкур соҳани тартибга солиш ва самарали фойдаланиш бўйича қонун қабул қилинди, бир қанча фармон ва қарорлар ҳам қабул қилиниб, мазкур соҳани жадал ривожлантириш масалалари кун тартибидан жой олди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Энергиядан самарали фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни 2019 йил 21 май куни қабул қилинди. Ушбу қонунда энергия ресурсларидан оқилона ва тежамкор фойдаланиш, энергия самардорлигини мунтазам равишда ошириб бориш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатини тартибга солишга қаратилган масалалар ўрин олган.

Бу борада охириги 2 йил давомида (2025-2026 йиллар) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фатор фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳам бир қанча қарорлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 мартдаги қабул қилинган “Энергия самардорлиги ошириш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ва энергия сервис компаниялари хизматлари бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-63-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 мартдаги қабул қилинган “Уй-жой ҳамда бино иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислох қилиш ҳамда биноларнинг энергия самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-100-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 майда қабул қилинган “Энергия самардорлиги оширишга қаратилган лойиҳаларни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 300-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 октябрда қабул қилинган “Энергия сервис хизматлари бозорини шакллантириш ҳамда аҳоли уй-жойларининг энергия самардорлиги оширилишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 673-сонли

Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 декабрда қабул қилинган “Иссиқлик таъминоти соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш, уй-жой бино ва иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш тўғрисида”ги 781-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 14 январда қабул қилинган “Энергия сервис хизматлари бозорини шакллантириш ҳамда янги ёндошувлар асосида энергия самарадорлиги лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 10-сонли Қарори қабиаларни мисол келтириш мумкин.

Булардан ҳам кўриш мумкинки, ушбу масала мамлакатимизда долзарб мавзулардан бирига айланган. Чунки иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатишда энергия ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари бугунги кунда асосий тадбирлардан бирига айланди.

Тадқиқот методологияси. Мақолада кўриладиган масалаларни ёзиш жараёнида индукция ва дедукция, шакл ва мазмун, гуруҳлаш, таққослаш, замон ва макон, тизимли ва киёсий таҳлил, мантиқий ёндошув ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Иссиқлик таъминоти тизимининг таҳлилин унинг назарий асосларига эътиборни қаратишдан бошлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Ҳар қандай категориянинг назарий талқини, унинг таърифидан бошланади. Ушбу тушунчанинг таърифини қуйидагича ифодалашни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Иссиқлик таъминоти деганда, аҳоли ва ишлаб чиқариш объектларини иссиқлик энергияси билан таъминлашга қаратилган, яъни иссиқлик манбаларидан, иссиқлик тармоқлари (кувурлар тизими) орқали истеъмолчиларгача етказиб бериш билан боғлиқ бўлган мураккаб муҳандислик тизим мажмуаси тушунилади. Ушбу назария қуйидаги асосий амалий элементларни қамраб олади. Булар таркибига иссиқлик манбалари (қазанхоналар, ТЭСлар), иссиқлик тармоқлари иншоотлари (кувурлар тизими), истеъмолчилар (турар жойлардаги аҳоли, корхоналар) киради.

Тизимнинг самарадорлиги ва хизматнинг сифати унинг ҳар бир бўғинида энергия ресурсларидан қай даражада оқилона фойдаланилишига боғлиқ бўлади. Иссиқлик таъминоти тизимида энергия самарадорлигининг тушунчасига эътиборни қаратадиган бўлсак, бу мазкур соҳада минимал энергия сарфи орқали максимал фойдали натижага эришишни англатади.

Энди иссиқлик таъминоти тизимида энергия сарфининг ўзига хос хусусиятларига эътиборни қаратадиган бўлсак, мазкур тизимда катта миқдорда ёқилғи-энергетика ресурсларини талаб қилишини инобатга олиш лозим. Бу ўз навбатида энергия йўқотишларининг юқори бўлишига, эскирган инфратузилмаларнинг мавжудлигига, бошқарув тизимларининг малакаси етишмаганлиги туфайли самарасизлиги каби омиллар билан боғлиқ. Кўп ҳолларда иссиқлик тармоқларида 20–30 фоизгача энергия йўқотишлари шу омиллар эвазига кузатилади, бу эса иқтисодий жиҳатдан ўзига яраша зарар келтиради.

Иссиқлик таъминотида энергия сарфи ва йўқотишлар таҳлили амалиётда шуни кўрсатадики, марказлашган иссиқлик таъминоти тизимларида энергия йўқотишлари юқорида таъкидланганидек, 20, ҳатто 40 фоизни ҳам ташкил этиши мумкин экан. Бунинг асосий сабаблари ўрганилганда, қуйидагилар билан боғлиқлиги аниқланди. Буларга қувурларнинг, яъни инфратузилманинг эскирганлиги ва изоляциянинг сифатсизлиги, иссиқлик манбаларининг паст самарадорлиги, ноқонуний уланишлар ва ҳисобга олиш тизимининг етарли эмаслиги, инвестицияларнинг етишмаслиги, энергия самарадорлиги бўйича маданиятнинг пастлиги, бошқарув ва назорат тизимларининг замонавий талабларга жавоб бермаслиги қабиалар киради. Шу сабабли энергия ресурсларини тежаш масаласи фақат техник эмас, балки иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан ҳам муҳим ҳисобланади, чунки унинг йўқотилиши битта йўналиш билан боғлиқ эмас.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, юқорида таъкидланганидек, халқаро тажрибани жорий этиш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш масалаларини ҳам эътиборда ушлаб туришга тўғри келади. Ушбу ҳолат энергия ресурсларини тежашнинг замонавий технологияларидан самарали фойдаланишни ва шу орқали соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлашни тақозо қилади. Бунинг учун бир қанча замонавий инновацион омилларни жорий қилиш лозимдир.

Биринчидан, соҳада техник модернизация жараёнини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш эса, энергия тежашнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Буларга полиуретан изоляцияли қувурлардан фойдаланиш, юқори самарадор қазанхоналарни жорий этиш, когенерация технологияларини қўллаш (бир вақтнинг ўзида электр ва иссиқлик ишлаб чиқариш) киритиш мумкин.

Иккинчидан, рақамли технологиялар ва “ақлли” тизимлардан фойдаланиш. Бунда соҳани рақамлаштириш орқали энергия сарфини оптималлаштириш мумкин бўлади. Мазкур масалада “ақлли ҳисоблагичлар”ни жорий этиш, SCADA ва IoT технологиялари орқали мониторинг қилиш, автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий қилишни тақозо қилади.

Учинчидан, ҳозирги кунда катта имкониятларга эга бўлиб келинаётган альтернатив энергия манбаларидан фойдаланишни самарали йўлга қўйиш ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Буни амалга оширишда қайта тикланувчи энергия манбалари муҳим аҳамиятга эга, яни қуёш коллекторлари орқали иссиқлик олиш, геотермал манбалардан ва биогаз қурилмаларидан ҳам фойдаланиш, лозим бўлади.

Тўртинчидан, энергия самарадорлигини оширишнинг иқтисодий механизмларини ишга солиш ҳам соҳанинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Бунда энергия тежамкорликни рағбатлантиришда иқтисодий инструментлар муҳим ўрин тутди. Булар энергия тежаш лойиҳалари учун солиқ имтиёзлари, субсидия ва грантлар, тариф сиёсатини такомиллаштириш, энергия сервис компаниялари (ESCO) фаолиятини ривожлантириш кабиларни қамраб олади.

Бешинчидан, ушбу йўналишда ташкилий ва институционал чора-тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундай самарали бошқарувни таъминлаш учун энергия аудити тизимини жорий этиш, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, кадрлар малакасини ошириш, аҳоли ўртасида энергия тежамкорлик маданиятини шакллантириш ҳам зарур бўлади. Мазкур масалада оммавий ахборот воситалари, маънавий-маърифий тадбирларнинг ҳам аҳамияти катталигини инобатга олиш лозимдир.

Олтинчидан, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уни қўллаш имкониятларига ҳам йўл очилган бўлиши лозим. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан, Германияда энергия самарадорлиги юқори технологиялар орқали таъминланади, Данияда марказлашган иссиқлик таъминоти тизими юқори даражада ривожланган, Японияда энергия тежамкорлик маданияти кенг тарқалган. Шу ва шу каби тажрибаларни миллий шароитга мослаштириб жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Еттинчидан, Ўзбекистонда иссиқлик таъминоти соҳани замон талабига мос равишда ривожлантириш истиқболларини белгилаш ҳам мақсадга мувофиқ. Бизнинг фикримизча иссиқлик таъминоти соҳасини ривожлантириш учун устувор йўналишлар сифатида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Энг аввало, инфратузилмани модернизация қилиш лозим. Буни амалга ошириш учун инвестицияларни мақсадга мос равишда жалб этишни талаб қилади. Ҳозирги ҳолатдан келиб чиқиб, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳам устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳам масаланинг ечимларидан бири сифатида қаралиши керак бўлади.

Иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатишда энергия ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш учун энергия ресурсларини тежашнинг асосий йўналишларини белгилаб олишни тақозо қилади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, иссиқлик таъминоти хизматларида энергия ресурсларини тежаш ва самарали фойдаланиш иқтисодий самарадорликни ошириш, экологик барқарорликни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини яхшилашда муҳим омил ҳисобланар экан. Мазкур соҳани такомиллаштириш учун замонавий технологияларни жорий этиш, рақамлаштириш ва самарали бошқарув механизмларини қўллаш орқали соҳада юқори натижаларга эришиш мумкин. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, иссиқлик таъминоти соҳасида энергия тежамкорликни таъминлаш учун қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ экан. Булардан келиб чиқиб қуйидаги илмий-амалий тавсияларни бериш мумкин.

Биринчидан, техник жихатдан модернизация қилиш. Бунинг учун эски қувурлар ўрнига изоляцияланган қувурлардан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим бўлади. Шунингдек, замонавий қазанхоналарни жорий этиш билан бирга автоматлаштирилган бошқарув тизимларини ўрнатиш ҳам биргаликда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали “ақлли ҳисоблагичлар” (smart meters) жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ходимлар вақтини тежаш учун энергия сарфини онлайн мониторинг қилиш билан бирга таҳлилнинг турли йўналишларини ва прогнозлаш тизимларини ишлаб чиқиш ҳам зарур бўлмоқда.

Учинчидан, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш учун ташкилий масалаларнинг ҳар бир элементида ҳам самарали фойдаланиш механизмлари жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун **энергия аудитини** жорий қилиш, шу орқали корхона ва ташкилотларда энергия сарфини таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади. Соҳага оид **норматив базани такомиллаштириш** орқали энергия тежамкорлик стандартларини жорий этишга ҳам эришилади. Такомиллаштиришнинг яна бир йўналиши **иқтисодий рағбатлантириш** билан ҳам боғлиқдир. Бунда энергия тежаган субъектларни қўллаб-қувватлаш. Яна бир муҳим йўналиш **кадрлар тайёрлаш** билан боғлиқ бўлиб, бунда соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўяди.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатишда энергия ресурсларини тежаш ва самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этар экан. Ушбу мақолада кўриб чиқилган ва тавсия қилинган технологиялар, иқтисодий ва ташкилий механизмларни амалиётга жорий этиш орқали энергия самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Энергиядан самарали фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 21 май куни қабул қилинган.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 мартдаги қабул қилинган “Энергия самарадорлиги ошириш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ва энергия сервис компаниялари хизматлари бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-63-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 мартдаги қабул қилинган “Уй-жой ҳамда бино иншоатларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-100-сонли Қарори,
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 майда қабул қилинган “Энергия самарадорлиги оширишга қаратилган лойиҳаларни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 300-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 октябрда қабул қилинган “Энергия сервис хизматлари бозорини шакллантириш ҳамда аҳоли уй-жойларининг энергия самарадорлиги оширилишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 673-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 декабрда қабул қилинган “Иссиқлик таъминоти соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш, уй-жой бино ва иншоатларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш тўғрисида”ги 781-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 14 январда қабул қилинган “Энергия сервис хизматлари бозорини шакллантириш ҳамда янги ёндошувлар асосида энергия самарадорлиги лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 10-сонли Қарори.
8. Пардаев М.Қ., Инсон салоҳияти, инсон капитали ва инновация билан боғлиқ категорияларнинг назарий масалалари. Монография. (Ҳаммуаллифлар: С.А.Бабаназарова, О.Пардаева, О.Пардаев, Ҳ.Н. Очилова, М.О.Мамаюнусова, Қ.Б.Дилманов) –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2024. 204 бет.
9. Обид Мамаюнусович Пардаев. Коммунал хизматларни ривожлантиришнинг маъмурий-бошқарув ва инфратузилмавий институционал асосларини такомиллаштириш. //“Сервис” илмий-амалий журнал. 2026 йил 1-сон. – 50-56 бетлар.

О.Пардаев Пути экономии энергетических ресурсов и их эффективного использования при оказании услуг теплоснабжения	O.Pardaev Ways to save energy resources and ensure their efficient use in heat supply services
Аннотация. В данной научной статье проанализированы теоретические основы, практические механизмы и инновационные подходы к экономии энергетических ресурсов и их эффективному использованию в процессе организации услуг теплоснабжения. Также комплексно освещены существующие проблемы в данной сфере, причины их возникновения и пути их устранения. В заключении статьи предложены научно-практические рекомендации по развитию отрасли. Ключевые слова: теплоснабжение, энергоэффективность, энергосбережение, коммунальные услуги, инновации, цифровизация, инновационные технологии, управление ресурсами, энергетический аудит.	Abstract. This scientific article analyzes the theoretical foundations, practical mechanisms, and innovative approaches to saving energy resources and ensuring their efficient use in the organization of heat supply services. It also comprehensively examines existing problems in the sector, their causes, and ways to address them. The article concludes with scientific and practical recommendations for the development of the field. Keywords: heat supply, energy efficiency, energy saving, public utilities, innovation, digitalization, innovative technologies, resource management, energy audit.

Феруз Нематуллаевич Абилов – Самарканд вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари,
СамЙСИ тадқиқотчиси

АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА АҲОЛИНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада агросервис хизматларини ривожлантириш асосида аҳолини камбағалликдан чиқариш механизми такомиллаштириш масалалари ёритилган. Бунда арзон, самарали ҳамда сифатли агросервис хизматини йўлга қўйишда “СҮЮА – модели”дан (“Сифатли хизмат→унумдор ер→юқори ҳосил→арзон маҳсулот”) фойдаланиш асосида аҳолини арзон ва сифатли маҳсулот билан таъминлаш имкониятлари кўрсатиб берилган. Шунингдек, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Бунда аҳолини доимий иш ўринларига жойлаштириш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, ерларни ижарага бериш аҳолини касбга ўқитиш орқали камбағалликни қисқартиришнинг стратегик механизми ишлаб чиқилганлиги ҳам ёритилган. Калит сўзлар: агросервис, агросервис хизматлари, “СҮЮА – модели”, сифатли хизмат, унумдор ер, юқори ҳосил, арзон маҳсулот, самарадорлик, камбағаллик, камбағаллики қисқартириш.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизда энг долзарб масалалардан бири камбағалликни қисқартириш масаласи бўлиб турибди. Чунки, тараққий этган мамлакатларда ушбу категориядаги одамлар бўлмаслиги керак. Шу туфайли бизда ҳам камбағалликни жадаллик билан қисқартиришга киришилди. Ҳозирги кунда Самарканд вилоятида ҳам “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурига асосланган ҳолда тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина мисол Самарканд вилоятида 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда 70,3 мингта камбағал оила мавжудлиги аниқланган. Ушбу оилаларда 322,0 минг аъзолари мавжуд бўлиб, битта оилага ўрта ҳисобда 4,55 киши тўғри келади. Ушбу ҳудудда камбағаллик даражаси, умумий оилаларга нисбатан 7,5 фоизни ташкил этади. Шу йилнинг ўзида йил якунига қадар ушбу кўрсаткични 3,5 фоизга тушириш режалаштирилган. Бу 163384 нафар аҳолини ёки 50,7 фоиз аҳолини иш билан банд қилиш дегани. Ушбу омиллар аҳолини банд қилиш билан бирга камбағалликни қисқартиришнинг ҳам муҳим омиллари ҳисобланади. Шу жиҳатдан мазкур мавзуга бугунги кунда ўта долзарб мавзулардан бири сифатида қараш мумкин.

Таҳлил ва натижалар. Самарканд вилоятида камбағалликни кескин қисқартириш бўйича аниқ чора-тадбирлари белгиланган. Чунки аҳоли ўртасида унинг камбағал қатлами бўлар экан, ўша ерда аҳолининг яшаш даражасини юқори деб бўлмайди. Шу туфайли ҳар

ISSN 2091-5187

❧ “SERVIS” ❧

Jurnal Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tahririyat
bo‘limida nashrga tayyorlandi.

15.05.2026-yilda terishga berildi. 26.05.2026-yilda bosishga ruxsat etildi. Ofset
bosma qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84_{1/8}. “Times” garniturasini. Ofset bosma usuli.
Shartli bosma tabog‘i 15,4. Hisob-nashriyot
tabog‘i 14,37. Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 0105A/26

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo‘limida chop etildi.
Litsenziya № 025316.
Reestr № X-119112.

Manzil: Samarqand shahri, Shoxruh ko‘chasi, 60-uy.

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026.